ҲАММА ПАХТА ТЕРИМИГА!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 205 (6323).

21 ОКТЯБРЬ ШАНБА

1978 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ПАХТА УЧУН КУРАШНИНГ ЭНГ МАСЪУЛИЯТЛИ, ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ШУ КУНЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ БАРЧА ДАЛА ЗАҲМАТКАШЛАРИГА, РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ҲАММА МЕҲНАТКАШЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛИБ, УЛАРНИ ЙИҒИМ-ТЕРИМДА БОР КУЧЛАРИ ВА ИМКОНИЯТЛАРИ БИЛАН ЭНГ ҚИЗҒИН, ЭНГ ФАОЛ ҚАТНАШИШГА, ПАХТА ДАЛАЛАРИДАГИ КУРАШНИ ТОБОРА ШИДДАТ БИЛАН ОЛИБ БОРИШГА ЧАҚИРАДИЛАР. БУТУН ҲОСИЛНИ ОХИРГИ ҚУСАГИГАЧА ЙИҒИБ ОЛИШ, ҲАР БИР КОЛХОЗ, ҲАР БИР СОВХОЗ ВА ҲАР БИР РАЙОННИНГ ЎЗ МАЖБУРИЯТЛАРИНИ АДО ЭТИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ЭНГ МУҲИМ БУРЧИМИЗДИР.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ҲАММА КОЛХОЗЧИЛАРГА, СОВХОЗ ИШЧИЛАРИГА, МЕХАНИЗАТОРЛАРГА, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МУТАХАССИСЛАРИГА, РЕСПУБЛИКАНИНГ БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

МУРОЖААТИ

Қадрли ўртоқлар, азиз дўстлар!

Энг нурли, энг қувончли байрам — кўпмиллатли жонажон Ватанимизнинг зафарли йилномаси, тарихий сана — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг олтмиш бир йиллиги нишонланадиган айёмга саноқли кунлар қолди. Советлар мамлакатининг ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлари, халқ зиёлилари ўзларининг ажойиб анъаналарига кўра бу шонли айёмни меҳнатда янги зафарлар ва мислсиз ютуқлар билан кутиб оладилар.

Октябрь байрами арафасидаги ана шу шарафли меҳнат вахтасида бутун совет халқи билан биргаликда Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам КПСС XXV съезди тарихий қарорларини бажариш учун зарбдор меҳнат қилиш билан машғулдирлар. Тарихий съезд қарорларининг сафарбар қилувчи ва ташкил этувчи буюк кучи хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида намоён бўлмоқда. Мустаҳкам издан бораётган саноатимиз бир меъёрда равнақ топмоқда. Қишлоқ хўжалигида олға катта қадам ташланди. Халқнинг фаровонлиги тобора гуркираб ривожланмоқда.

КПСС Марказий Комитети июль (1978 йил) Пленумининг қарорлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш учун катта мадад бўлиб хизмат қилмоқда. Пленум қарорларига амалда жавоб бераётган республика деҳқонлари дон, пилла, сабзавотдан энг юқори ҳосил етиштириб, ўз вақтида йиғиб олдилар. Ем-хашак тайёрлаш ҳам муваффақиятли бормоқда. Чорвадорларимизнинг ютуқлари ҳам қувонтиради. Улар гўшт, сут, тухум, жун тайёрлаш планларини муддатидан илгари бажармоқдалар.

Шонли деҳқонларимиз улкан пахта хирмони учун курашнинг ҳал қилувчи даврида мардлик ва матонат кўрсатмоқдалар. Ўзбекистон мамлакатимизнинг асосий пахта диёридир. Пахта — республика меҳнаткашларининг шон-шуҳрати ва ифтихоридир. Саноатни ривожлантириш ва истеъмол молларини кўпайтиришда пахтанинг аҳамияти беқиёсдир. Пахтадан ва унинг ашъёларидан олинадиган неъмат ва буюмларнинг ҳисоби йўқдир. Мамлакат экономикасида тутган ўрни жиҳатидан пахта энг биринчи даражали хом ашъёлардандир. Пахта металл, нефть, нон билан бир қаторда туради!

Ўзбекистон меҳнаткашлари пахта етиштиришни кўпайтиришни ҳамма вақт жаъми қардош республикалар олдидаги, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари олдидаги ўз ватанпарварлик ва интернационал бурчлари деб, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишга қўшадиган энг катта улушлари деб ҳисобладилар ва доимо шундай деб ҳисоблайдилар. Ана шу тушунчани дилларида жо қилган пахтакорларимиз беш йилликнинг учинчи йилида Ватанга камида беш миллион етти юз минг тонна «оқ олтин» етказиб беришни ўз вазифалари деб биладилар ва шунинг учун астойдил курашмоқдалар.

Биз олдимизга қўйган нурли мақсад манзилига кун сайин тобора яқинлашиб бормоқдамиз. Мамлакат шу кунгача тўрт миллион тоннадан ортиқ сифатли пахта олди. Энди марра — бешинчи миллионга. Бироқ галабага олиб борадиган йўлни босиб ўтиш кун сайин оғирлашмоқда, бунга сабаб шуки етиштирилган ҳосилнинг деярлик учдан бир қисмини жуда қисқа муддатда, ёғингарчилик, совуқлар бошлангунга қадар йиғиб олишга тўғри келади.

Бу йил ўз об-ҳаво шароитига кўра Ватанимиз пахтачилиги тарихида энг машаққатли йил бўлди. Об-ҳаво деҳқонга шафқат қилмади: кўкламнинг совуқ кунлари чўзилиб кетди, сел, тошқинлар, дўл пахтазорларга жуда кўп зарар етказди. Саккиз юз минг гектар майдонда чигит бир неча марта қайта-қайта экилди. Албатта, илгарилар ҳам баъзан кўкламлар шунақа машаққатли келар эди, лекин ҳеч қачон республика пахтакорлари июнь ойида ҳам чигит экишга мажбур бўлмаган эдилар. Бунинг натижасида анчагина вақт қўлдан бой берилди, ўсимлик фойдали ҳароратни етарли миқдорда ола билмади, ғўзанинг етилиши, пахтанинг очилиши кечикиб кетди.

Аммо деҳқонлар бундан чўчимадилар, саросимага тушмадилар, ўз мақсадларидан чекинмадилар. Ҳеч қандай машаққат уларнинг продасини бука олмади, уларнинг қатъияти бўшашмади. Пахтакорлар қуёш ҳароратининг кемтигини ўз қалблари, юраклари ҳарорати билан тўлдирдилар, ҳар бир туп ғўзани меҳру-муҳаббат билан парвариш қилдилар ва натижада унинг гуркираб ривожланишига эришдилар. Табиат кучлари қанчалик найранглар кўрсатмасин, халқимиз шундай ҳосил етиштирдики, бу ҳосил фақат давлат планинигина эмас, балки социалистик мажбуриятларни адо этишни ҳам тўла таъминлайди.

Ўзбекистонимизнинг улкан пахта хирмони учун олиб бораётган курашимизда биз КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ва Совет ҳукуматининг оталарча буюк ёрдами ва ғамхўрлигини, улуғ рус халқининг, мамлакатимиздаги барча қардош халқларнинг дўстона мададини ҳар кун, ҳар қадамда сезиб турибмиз. Бундай самимий мадад ва ҳамкорликда совет кишисининг юксак аҳлоқий фазилатлари, унинг феълу атворидаги олий хусусиятлар, ғоявий камолоти, Ленин партиясига, коммунизм идеалларига чексиз садоқати айниқса ёрқин намоён бўлмоқда.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг: «Оқ олтин»ни олтин қўллар яратади! деган илҳомбахш сўзлари пахтакорларнинг дилига ҳаяжон тўлдирди, уларни буюк жасоратга илҳомлантирди.

Шу кунларда пахта учун курашнинг ҳал қилувчи фасли бошланди. Ҳар бир кун, ҳар бир соат ҳеч қачон ҳозиргидек қадрли бўлган эмас. Шу сабабдан ҳам даладаги меҳнат — тинимсиз меҳнат, зарбдор меҳнат бўлиши даркор. Йиғим-теримда жадал суръат учун ва пахтанинг сифати учун кураш, ҳамманинг ва ҳар бир кишининг энг муҳим бурчидир.

Бухоро, Наманган, Қашқадарё, Андижон, Фарғона ва Сурхондарё областларининг меҳнаткашлари ўта ишчанлик, уюшқоқлик ва матонат намуналарини кўрсатмоқдалар. Қорақалпоғистон Автоном Республикаси ва бошқа ҳамма областларнинг пахтакорлари ҳам виждонан мардона меҳнат қилмоқдалар. Ромитон, Пешку, Шофрикон, Гиждувон, Бўз, Ғалаба, Муборак, Шаҳрисабз районларининг деҳқонлари пахта тайёрлаш йиллик планини бажариб, ўз мажбуриятларини адо этиш учун собит қадам ила илгарилаб, ҳамма-ҳаммага ибрат кўрсатмоқдалар. «Оқ олтин» усталари фақат узун толали пахтадан эмас, балки ингичка толали пахта навларидан ҳам юқори ҳосил йиғиб олмоқдалар.

Бошқаларга намуна бўлаётган, ўзгаларни илҳомлантириб жадал суръатлар сари бошлаб бораётган илғорларга, пахта фронти жанговар қўшинининг шуҳратига шуҳрат қўшаётган илғорларга шон-шарафлар бўлсин!

Сусткашлик теримнинг ёвидир. Ҳосилни йиғиб-териб олишимиз учун табиат бизга ажратган фурсат оз қолди. Ҳавода булутлар кўриниб, ёғингарчилик яқинлашмоқда. Ёғингарчилик эса теримни оғирлаштиради, қўшимча машаққатлар пайдо бўлади. Шу сабабдан ҳам шошилмоқ даркор. Кузнинг ҳар бир куни, ҳар бир соати ганимат, уни қўлдан бой бермаслик керак, кейин уни қайтариб ололмайсан. Озгина сусткашлик, озгина парвосизлик ҳосилга эплаб бўлмайдиган зарар етказиши, минг-минг кишиларнинг меҳнатини зое кетказиши мумкин. Дўстлар, бунга асло йўл қўйиш мумкин эмас!

Пахта учун курашнинг энг масъулиятли, ҳал қилувчи шу кунларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети барча дала заҳматкашларига, республикамизнинг ҳамма меҳнаткашларига мурожаат қилиб, уларни йиғим-теримда бор кучлари ва имкониятлари билан энг қизғин, энг фаол қатнашишга, пахта далаларидаги курашни тобора шиддат билан олиб боришга чақирадилар. Бутун ҳосилни охирги кўсагигача йиғиб олиш, ҳар бир колхоз, ҳар бир совхоз ва ҳар бир районнинг ўз мажбуриятларини адо этишини таъминлаш энг муҳим бурчимиздир.

Далаларнинг шавкатли гвардиячилари, қишлоқ механизаторлари! Сиз йил сайин фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатиб келмоқдасиз, ҳосилни қисқа муддатда йиғиб олишда пахтакорларга мададкор бўлмоқдасиз. Бу йилги шароит эса техниканинг йиғим-теримда энг самарали ишлаб туришини, ишнинг икки сменада ташкил этилишини талаб қилмоқда. Ҳозирги кунда ҳамма подборщиклар, кўрак йиғиш ва кўрак тозалаш машиналари ишга солиниши керак. Дўстлар, зиммангизга юкланган вазифанинг юксак масъулиятини бутун қалбингиз билан ҳис этишингиз керак, дала гвардиячиси деган шонли номга муносиб эканлигингизни амалда исбот қилишингиз зарур! Ҳар бир хўжалик, ҳар бир район машина терими юзасидан олган мажбуриятини албатта бажариш шарт.

Қадрли колхозчилар, совхоз ишчилари! Сиз жуда катта меҳнат сарфлаб «оқ олтин»дан юқори ҳосил етиштирдингиз. Шундай ишлангизки, токи улкан меҳнат ва машаққатлар ҳисобига етиштирилган битта ҳам тола, битта ҳам кўсак нобуд бўлмасин! Йиғим-теримда ҳар бир дақиқани ганимат билиб, бор кучингиз билан ишлангиз, меҳнат унумдорлигини оширингиз, нормаларнинг тўла ва ошириб бажарилишига эришингиз. Мабодо ҳар бир теримчи бир кунда терган пахтасига яна беш килограмм қўшиб терса, у ҳолда ҳар кун республика пахта хирмонига ўн минг тонна «оқ олтин» қўшимча уюлган бўлади!

Кўпмингчилар қаторини кўпайтиринглар, илғорларга тенглашингиз!

Пахта тозалаш саноати ходимлари! Пахтани қабул қилиш, қуритиш, тозалаш, сақлаш ва қайта ишлаш соҳасида жонбозлик кўрсатингиз, қуритиш ва тозалаш цехларини кеча-кундуз тинимсиз ишлаб туришини таъмин этингиз. Фақат аъло сифатли тола ишлаб чиқаришга эришингиз!

Коммунистлар ва комсомоллар! Айниқса бу йилги пахта терим фасли сизнинг фидокорона, виждонан, жуда соз ишларингизга, меҳнатни пухта ташкил этишингизга ва ишни ўринлатишингизга боғлиқ бўлиб қолди. Коммунистлар, олға! Коммунистлар ҳақида сўзлар экан, ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бундай деди: бизнинг ягона имтиёзимиз бор, бу ҳам бўлса олдинда бориш, оммани ўзимизга эргаштириб бориш имтиёзидир.

Ҳозирги вазият тўла сафарбарликни, суръат ва жасоратни икки уч марта оширишни талаб этмоқда. Пахтани қўлда теришда ҳам, зангори кема штурвалини ушлаган тақдиримизда ҳам, пахтани ташиш ва қабул қилишда ҳам уюшқоқлик, фидокорлик намуналарини кўрсатайлик! Партия, совет, хўжалик ишининг қайси бир раҳбарлик лавозимида бўлмайлик, йиғим-теримни уюштиришда олдинги сафда намуна кўрсатиб борайлик! Колхозчиларни, совхоз ишчиларини, ҳамма ёрдамчиларни пахта теримида суръатли ва самарали зарбдор ишга сафарбар этиш бизнинг муқаддас вазифамиздир. Биз теримда жадал суръатларга эришиш билан бирга пахтанинг юқори сифатли бўлишига алоҳида эътибор беришимиз керак, озгина бўлса ҳам нобудгарчиликка йўл қўймаслигимиз даркор. Республика улкан хирмони учун курашга большевикча раҳбарлик қилиш, большевикча суръат ва кўлам билан вазифани адо этиш бурчимиздир!

Партия, совет, касаба союз ва комсомол органларининг ходимлари! Йиғим-теримда ташкилий ва сиёсий ишлар савиясини юқори кўтарингиз, социалистик мусобақанинг ҳамма учун самарали ва жозибадор бўлишига эришингиз. Маънавий рағбатлантириш билан, моддий рағбатлантиришни тўғри қўшиб олиб боринглар. Механизаторларни, теримчиларни, далада ишлаётган кишиларнинг ҳаммасини эътиборингизда тутинглар, улар ҳақида ғамхўрлик қилинглар, уларнинг унумли ишлаши учун энг қулай шароитларни яратиб берингиз!

Бугунги кунда биз ҳаммамиз: ишчилар ҳам, инженерлар ҳам, ўқитувчилар ҳам, олимлар, артистлар ва ёзувчилар ҳам, хизматчилар ва студентлар ҳам, ҳамма-ҳаммамиз пахтакорларимиз. Республика меҳнаткашлари ўроқ ва болға бузилмас дўстлиги китобига ҳисобсиз ёрқин саҳифалар ёзишга муяссар бўлдилар. Ҳозирги масъулиятли кунларда республикамизнинг ҳар бир граждани далада бўлиши керак, деҳқонларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишни, пахта теримидагиларнинг ҳаммасига мададкор бўлишини ўйлаши даркор. Бу ҳар биримизнинг виждоний бурчимиз, юксак гражданлик вазифамиздир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети тўла ишонч билан айта оладиларки, республика пахтакорлари, ҳамма меҳнаткашлари бу йилнинг машаққатли пахта ҳосилини қисқа муддатларда ва сира нобуд қилмасдан йиғиб-териб олиш учун куч ва ғайратларини аямайдилар, мардлик, жасорат ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатадилар, қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъмин этиб, Улуғ Октябрь байрамини муносиб кутиб оладилар.

Ҳосил сизга мунтазир, азиз дўстлар! Пахта ҳаммани ва ҳар бир кишини муштоқлик билан кутади: ҳамма теримга!

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

БАГИО. ФИЛИППИН.

ЎРТОҚ АНАТОЛИЙ ЕВГЕНЬЕВИЧ КАРПОВГА

Азиз Анатолий Евгеньевич!

Сизнинг телеграммангизни олиб жуда хурсанд бўлдим. Масъулиятли ва оғир матчда қозонган ғалабангиз билан Сизни астойдил ва самимий табриклайман.

Сиз машаққатли, қийин курашда юксак маҳорат, букилмас ирода ва мардлик, хуллас, бизнинг совет характеримизни кўрсатганингиз билан бутун мамлакатимиз фахрланади.

Сиз келгусида ўз ижодий куч-ғайратларингизни кўпайтиришингизга ва шахмат санъати ҳазинасига катта ҳисса қўшишингизга аминман.

Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, Улуғ Ватанимиз шон-шуҳрати йўлида ёрқин ғалабалар тилайман.

Л. БРЕЖНЕВ.

40 ЦЕНТНЕРЧИЛАР

Ғалаба районидаги Волков номли совхознинг Жўраали Оққулов бошлиқ бригадаси аъзолари зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини ортиғи билан бажардилар. Улар 40 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан хирмон кўтаришди. Эндиликда деҳқонлар ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Шу бригадага қўшни бўлган Тўрақул Умаров бошлиқ бригада заршунослари ҳам пландан ташқари «оқ олтин» топшириқини қизғин давом эттирмоқдалар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

20 октябрь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида министрликлар, идоралар, бирлашмалар раҳбарларининг кенгаши бўлди, унда шу йилнинг тўққиз ойи ва беш йилликнинг уч йили плани ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитетидаги кенгашда айтган йўл-йўриқларига биноан, шу йилнинг тўққиз ойи ва беш йилликнинг уч йили плани ва социалистик мажбуриятлари саноатда ҳамда капитал қурилишда қандай бажарилаётгани кўриб чиқилди.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Ш. Р. Рашидов шуни таъкидладики, умуман саноат ва қурилиш ташкилотларининг меҳнатчилари КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленуми қарорларидан руҳланиб, ўнинчи беш йилликнинг учинчи йили планини ўз муддатида ва барвақт бажариш, КПСС XXV съезди белгилаб берган марраларга сўзсиз эришувни таъминлаш учун зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

Шу билан бирга айрим министрликлар, идоралар ялпи маҳсулот реализация қилиш ва уни ишлаб чиқариш юзасидан 1978 йил учун белгиланган планни, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулотнинг белгиланган турларини ишлаб чиқариш топшириқларини бажариш мураккаб аҳволда қолганлиги қайд этилди. Қурилишда камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда, натижада тўртинчи кварталда ишлаб чиқариш объектларини, уй-жойлар, болалар муассасалари, ҳунар-техника билим юртлари, касалхоналар, поликлиникалар ва бошқа объектлар ишга туширилишини таъминлаш учун катта ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишларини бажариш лозим бўлиб қолди.

Саноат министрликлари ва идоралар ҳамда бирлашмаларнинг раҳбарларига ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитетидаги кенгашда берган йўл-йўриқларини бажариш учун зарур бўлган ҳамма ишларни қилиш иш якунларини коллегияларда кўриб чиқиш, орқада қолаётган корхоналарга амалий ёрдам бериш, шу тариқа барча меҳнат коллективларининг ўн ойлик ва 1978 йил плани ҳамда социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаришларига эришиш таклиф қилинди. Қурилиш, монтаж министрликлари ва идораларига барча одам, материал-техника ресурсларини ишга туширилаётган объектларга сафарбар қилиб, уларнинг беш йиллик учинчи йили планида кўзда тутилган муддатларда ишга туширилишини таъминлаш, 1979 йилда муваффақиятли ишлаш учун замин ҳозирлаб қўйиш топширилди.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари Н. Г. Анисимкин, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, А. А. Ҳўжаев, республика Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари Қ. А. Аҳмедов, М. Д. Мухортов, М. Т. Турсунов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

„Оқ олтин" хирмонига

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 20 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида: биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — шу жумладан, бир кунда машинада терилгани — бешинчи устун — мавсум бошидан буён).

ҒАЛАБА	**0,47**	**101,08**	**0,11**	**107,36**
Янгийўл	1,10	78,72	0,83	64,81
Бўка	1,73	77,84	1,82	73,27
Коммунистик	1,71	77,19	1,48	79,86
Ўрта Чирчиқ	1,80	77,15	1,96	83,09
Бекобод	1,38	74,44	1,39	64,92
Чиноз	1,64	67,14	1,04	54,63
Пискент	1,63	58,54	1,41	48,20
Оққўрғон	1,15	56,12	0,65	48,24
Область бўйича:	1,36	74,25	1,18	70,25

СУТ ЕТИШТИРИШ ИЛҒОРЛАРИГА ТЕНГЛАШИНГ

ОБЛАСТЬ КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИДА 1978 ЙИЛ ТЎҚҚИЗ ОЙИДА ЕТИШТИРИЛГАН ВА ҲАР БИР СИГИРДАН ЎРТАЧА СОҒИБ ОЛИНГАН СУТ

Ўринлар		Хўжаликлар	Районлар	Ҳар бир сигирдан ўртача соғиб олинган сут (кг)			Ялпи сут етиштириш (центнер)		
1978 йил	1977 йил			1978 йил	1977 йил	+—	1978 йил	1977 йил	+—
1	1	«Октябрь 40 йиллиги» колхози	Бўка	3896	3822	+ 74	5260	5160	+ 100
2	2	«Чиноз» насилчилик совхоз-техникуми	Чиноз	3696	3660	+ 36	52183	51280	+ 903
3	6	«Политотдел» колхози	Коммунистик	3575	3367	+ 208	24846	23138	+1708
4	3	«Коммунизм» колхози	Янгийўл	3570	2803	+ 767	10425	9980	+ 445
5	15	К. Маркс номли колхоз	Тошкент	3560	3255	+ 305	7832	7096	+ 736
6	8	«Ленинизм» колхози	Янгийўл	3543	3322	+ 221	8646	7706	+ 940
7	7	«Партия XXI съезди» совхози	Калинин	3533	3338	+ 195	4417	4406	+ 11
8	4	Димитров номли колхоз	Ғалаба	3509	3551	— 42	17889	16339	+ 1550
9	9	Навоий номли колхоз	Тошкент	3493	3305	+ 188	10898	9750	+1148
10	5	«Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози	Тошкент	3484	3442	+ 42	13831	13253	+ 578
11	13	«Ленинский путь» колхози	Коммунистик	3441	3263	+ 178	15968	14815	+1153
12	14	Свердлов номли колхоз	Коммунистик	3424	3257	+ 167	17667	16809	+ 858
13	17	«Ғаллақудуқ» совхози	Оҳангарон	3387	3171	+ 216	4200	3650	+ 550
14	12	«Правда» колхози	Коммунистик	3312	3266	+ 46	22255	21688	+ 567
15	29	Ҳамза номли колхоз	Бўка	3304	2860	+ 444	7004	5748	+1256
16	46	С. Раҳимов номли колхоз	Тошкент	3240	2650	+ 590	1199	1276	— 77
17	18	Тимирязев номли колхоз	Бўка	3145	3061	+ 84	3743	3367	+ 376
18	33	«Ленин йўли» колхози	Ўрта Чирчиқ	3125	2814	+ 311	6220	5600	+ 620
19	32	«Красний водопад» эксперименталь базаси	Оржоникидзе	3123	2845	+ 278	20080	17210	+2870
20	35	Ленин номли колхоз	Бекобод	3095	2774	+ 321	12020	10300	+1720
21	26	Калинин номли колхоз	Калинин	3058	2933	+ 125	6332	6218	+ 114
22	31	«Партия XXV съезди» совхози	Бекобод	3036	2854	+ 182	10500	10390	+ 110
23	22	Вотинцев номли колхоз	Оққўрғон	3024	3013	+ 11	5595	5544	+ 51
24	23	«Москва» колхозчи	Калинин	3012	2975	+ 37	3284	3213	+ 71
25	25	Ким Пен Хва номли колхоз	Ўрта Чирчиқ	2996	2933	+ 63	8603	8566	+ 37
26	19	Свердлов номли колхоз	Ғалаба	2966	3046	— 80	8975	8913	+ 62
27	43	«Огонёк» совхози	Ғалаба	2956	2705	+ 251	6317	5716	+ 601
28	39	Ильич номли колхоз	Тошкент	2906	2738	+ 168	7265	6708	+ 557
29	30	«Ўзгариш» совхози	Калинин	2852	2850	+ 2	4848	4832	+ 16
30	20	«Победа» колхози	Ғалаба	2848	3030	— 182	4476	4368	+ 108
31	87	«Бўзсув» совхози	Калинин	2844	2374	+ 607	6600	6053	+ 547
32	67	«Ленин йўли» колхози	Тошкент	2843	2528	+ 315	5659	4981	+ 678
33	50	«Партия XX съезди» колхози	Калинин	2837	2621	+ 216	3632	3689	— 57
34	37	«Қорасув» совхози	Калинин	2831	2745	+ 86	5702	5462	+ 240
35	28	«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози	Ғалаба	2823	2875	— 52	18254	18165	— 89
36	38	«Ленин йўли» колхози	Бўка	2819	2745	+ 74	5892	5491	+ 401
37	62	«Октябрь» колхози	Оржоникидзе	2813	2544	+ 269	7930	7860	+ 70
38	80	«Хасково» совхози	Калинин	2810	2436	+ 374	7107	6456	+ 651
39	47	Жданов номли колхоз	Бўстонлиқ	2801	2646	— 155	2801	3228	— 427
40	55	Киров номли ўқув хўжалиги	Ғалаба	2779	2592	+ 187	12139	11100	+1039
41	42	2-«Пискет» совхози	Пискент	2779	2715	+ 64	11951	10779	+1172
42	57	Мичурин номли колхоз	Бўка	2778	2586	+ 192	3750	3388	+ 362
43	34	Ильич номли колхоз	Бўка	2763	2793	— 30	2570	3659	—1089
44	59	Охунбобоев номли колхоз	Тошкент	2761	2679	+ 82	6848	6403	+ 445
45	41	«Ўзбекистон» колхози	Коммунистик	2775	2721	+ 34	12838	11971	+ 867
46	85	Куйбишев номли колхоз	Оққўрғон	2750	2385	+ 365	3905	3745	+ 160
47	54	«Ўзбекистон» паррандачилик фабрикаси	Калинин	2727	2596	+ 131	3791	3661	+ 130
48	58	Охунбобоев номли колхоз	Ўрта Чирчиқ	2713	2580	+ 133	4140	4052	+ 88
49	48	«Партия XX съезди» колхози	Бўка	2704	2640	+ 64	3272	3221	+ 51
50	74	Ҳ. Турсунқулов номли колхоз	Янгийўл	2698	2482	+ 216	7582	6949	+ 663
51	51	Ленин номли колхоз	Ғалаба	2688	2603	+ 85	8736	7752	+ 984
52	77	Свердлов номли совхоз	Калинин	2685	2450	+ 235	11091	9361	+1730
53	96	«Интернационал» колхози	Янгийўл	2684	2314	+ 370	4401	3564	+ 837
54	154	Ленин номли колхоз	Оржоникидзе	2678	1875	+ 803	7580	7540	+ 40
55	112	Свердлов номли колхоз	Пискент	2670	2154	+ 516	5768	4760	+1008
56	73	«Ленинобод» колхози	Оққўрғон	2669	2488	+ 181	6192	5584	+ 608
57	52	Ҳ. Олимжон номли колхоз	Оққўрғон	2649	2599	+ 50	4212	4081	+ 131
58	84	Ниёзов номли колхоз	Янгийўл	2645	2385	+ 260	4549	4079	+ 470
59	66	Гагарин номли совхоз	Калинин	2645	2529	+ 116	3492	3491	+ 1
60	53	«Қибрай» совхози	Оржоникидзе	2637	2597	+ 40	4220	4000	+ 220
61	68	«Назарбек» совхози	Калинин	2633	2525	+ 108	2660	2524	+ 136
62	64	Куйбишев номли колхоз	Калинин	2610	2533	+ 77	3320	3318	+ 2
63	61	«Коммунизм» совхози	Ғалаба	2599	2560	+ 39	7070	7275	— 201
64	40	Ҳамза номли колхоз	Ғалаба	2592	2736	— 144	6607	6473	+ 134
65	45	Энгельс номли колхоз	Ғалаба	2587	2675	— 88	2795	3133	— 338
66	11	«Партия XXIV съезди» совхози	Чиноз	2572	3275	— 703	16690	12280	+4410
67	63	«Ленинград» колхози	Ғалаба	2567	2538	+ 29	7342	6817	+ 525
68	72	У. Юсупов номли аграр-саноат бирлашмаси	Янгийўл	2565	2492	+ 73	8209	7650	+ 559
69	109	«Маданият» колхози	Оржоникидзе	2562	2174	+ 388	6380	6150	+ 230
70	71	Икромов номли колхоз	Ўрта Чирчиқ	2559	2500	+ 59	2757	2650	+ 107
71	36	«Заря коммунизма» колхози	Ғалаба	2557	2773	— 216	7192	7088	+ 104
72	136	Дзержинский номли колхоз	Бекобод	2536	2042	+ 494	5690	5490	+ 200
73	93	Калинин номли колхоз	Янгийўл	2534	2332	+ 202	4612	4427	+ 485
74	69	Жамбул номли колхоз	Бўка	2522	2520	+ 2	2572	2545	+ 27
75	79	Тошкент от заводи	Оҳангарон	2520	2446	+ 74	16840	16460	+ 380
76	103	Охунбобоев номли колхоз	Пискент	2508	2255	+ 253	5844	5210	+ 634
77	75	1-«Пискент» совхози	Пискент	2505	2458	+ 48	13580	13030	+ 550
78	70	«Коммунизм» колхози	Бўка	2504	2504	—	2780	2779	+ 1
79	89	«Октябрь 40 йиллиги» колхози	Чиноз	2500	2362	+ 138	3725	3543	+ 182
80	83	К. Маркс номли колхоз	Бўка	2485	2390	+ 95	2734	2629	+ 105
81	10	1-«Дарварзин» совхози	Бекобод	2482	3276	— 794	7470	6820	+ 650
82	110	Ленин номли колхоз	Янгийўл	2480	2168	+ 312	7962	7198	+ 764
83	101	Абдураҳмонов номли совхоз	Тошкент	2479	2267	+ 212	3645	3446	+ 199
84	131	«Коммунизм» колхози	Оққўрғон	2472	2066	+ 406	3091	2810	+ 281
85	122	Киров номли колхоз	Ғалаба	2458	2119	+ 339	3511	2850	+ 661
86	82	«Северний маяк» колхози	Ўрта Чирчиқ	2455	2397	+ 58	7871	7455	+ 416
87	81	К. Маркс номли колхоз	Чиноз	2450	2336	+ 114	3798	3720	+ 528
88	152	«Москва» совхози	Калинин	2449	1886	+ 563	2400	1717	+ 683
89	78	«Партия XXII съезди» колхози	Оққўрғон	2446	2448	— 2	4110	3746	+ 364
90	95	«Бўка» совхози	Бўка	2428	2318	+ 110	8402	7928	+ 474
91	76	Волков номли совхоз	Ғалаба	2422	2454	— 32	13604	13257	+ 347
92	139	Ленин номли колхоз	Ўрта Чирчиқ	2422	2028	+ 394	4185	3660	+ 525
93	97	Калинин номли колхоз	Пискент	2422	2310	+ 112	3415	3257	+ 158
94	135	«Ленинград» совхози	Тошкент	2419	2051	+ 368	4959	4020	+ 939
95	104	Фрунзе номли колхоз	Бўстонлиқ	2391	2240	+ 151	4638	4279	+ 359
96	56	«Москва» колхози	Ғалаба	2390	2587	— 197	2206	3038	— 832
97	88	«Гулистон» колхози	Пискент	2377	2369	+ 8	4279	4265	+ 14
98	113	Ленин номли колхоз	Тошкент	2350	2181	+ 169	6228	5780	+ 448
99	92	Орджоникидзе номли колхоз	Калинин	2345	2335	+ 10	4033	3993	+ 40
100	128	«Ленинизм» колхози	Оққўрғон	2312	2209	+ 109	4924	4885	+ 39
101	172	«Правда» колхози	Оржоникидзе	2304	1730	+ 574	7190	6120	+1070
102	140	«Коммунист» колхози	Оржоникидзе	2303	2024	+ 279	7850	7410	+ 440
103	102	«Паркент» совхози	Коммунистик	2302	2259	+ 43	4604	4540	+ 64
104	111	«Ленинизм» колхози	Бўка	2290	2155	+ 135	3137	2888	+ 249
105	90	Сабзавотчилик ва полизчилик институти	Тошкент	2290	2339	— 49	2978	3064	— 86
106	44	«Тошкент» совхози	Тошкент	2289	2693	— 404	4438	3583	+ 855
107	106	Свердлов номли колхоз	Ўрта Чирчиқ	2289	2230	+ 59	3770	3591	+ 179
108	86	«Ленинобод» колхози	Бўка	2284	2374	— 90	2878	2754	+ 124
109	99	Навоий номли колхоз	Бекобод	2276	2295	— 19	5120	4840	+ 280
110	117	Терешкова номли колхоз	Ўрта Чирчиқ	2263	2134	+ 129	2472	2320	+ 152
111	118	Калинин номли совхоз	Ғалаба	2249	2133	+ 116	4440	3767	+ 673
112	141	«Ленинобод» колхози	Коммунистик	2238	2004	+ 234	5169	4530	+ 639
113	120	Энгельс номли колхоз	Чиноз	2232	2123	+ 109	3125	2823	+ 302
114	94	«Озод» колхози	Оққўрғон	2231	2325	— 94	3905	3953	— 48
115	108	«Юқори Чирчиқ» совхози	Коммунистик	2224	2195	+ 29	4225	4126	+ 99
116	153	Ойбек номли совхоз	Бекобод	2201	1881	+ 320	5370	4640	+ 730
117	144	«Партия XXI съезди» колхози	Янгийўл	2177	1972	+ 205	2700	2505	+ 195
118	151	Калинин номли колхоз	Бўстонлиқ	2167	1899	+ 268	2925	2925	—
119	60	«Янгиобод» совхози	Чиноз	2160	2564	— 404	4402	2743	+1659
120	143	Карл Маркс номли колхоз	Ўрта Чирчиқ	2157	1984	+ 173	6149	5318	+ 831
121	123	«Чорвоқ» совхози	Бўстонлиқ	2156	2102	+ 54	3665	3489	+ 176
122	169	«Кўкорол» совхози	Бўка	2155	1768	+ 387	4848	4438	+ 410
123	116	«Партия XIX съезди» колхози	Бўка	2154	2135	+ 19	3274	3288	— 14
124	121	Энгельс номли колхоз	Ўрта Чирчиқ	2138	2119	+ 19	3515	3327	+ 186
125	119	«Оҳангарон» совхози	Оҳангарон	2134	2125	+ 9	18588	19170	— 582
126	170	Охунбобоев номли колхоз	Оққўрғон	2128	2034	+ 94	5002	4947	+ 55
127	156	Куйбишев номли колхоз	Ўрта Чирчиқ	2126	1849	+ 277	3663	3310	+ 353
128	176	К. Маркс номли колхоз	Коммунистик	2119	1520	+ 599	1801	2737	— 936
29	132	«Партия XII съезди» колхози	Ўрта Чирчиқ	2113	2058	+ 55	2303	2223	+ 80
130	81	«Авангард» совхози	Бекобод	2103	2401	— 298	4710	5070	— 360
131	126	«Қизил туғ» колхози	Бўстонлиқ	2103	2082	+ 21	4016	3540	+ 476
132	142	«Коммунизм» колхози	Ўрта Чирчиқ	2099	1998	+ 101	2958	2838	+ 120
133	167	«Москва» колхози	Чиноз	2095	1776	+ 319	3101	2433	+ 668
134	133	Тельман номли колхоз	Пискент	2093	2058	+ 35	3050	2820	+ 230
135	137	«Коммуна» колхози	Коммунистик	2075	2040	+ 35	6349	6348	+ 1
136	127	«Қизил Ўзбекистон» колхози	Оржоникидзе	2071	2075	— 4	9220	10630	—1410
137	165	Киров номли колхоз	Чиноз	2042	1782	+ 260	2675	2727	— 52
138	160	Жданов номли колхоз	Янгийўл	2029	1819	+ 210	3510	3220	+ 188
139	107	«Ангрен» совхози	Оҳангарон	2027	2211	— 184	10158	10310	— 152
140	130	«Октябрь 50 йиллиги» совхози	Бекобод	2023	2067	— 44	2690	2520	+ 170
141	150	«Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози	Пискент	2017	1900	+ 117	966	855	+ 111
142	148	Ворошилов номли совхоз	Оҳангарон	1981	1914	+ 67	6859	6850	+ 9
143	138	Фрунзе номли колхоз	Бўка	1968	2039	— 71	2559	2630	— 71
144	162	Калинин номли колхоз	Коммунистик	1964	1807	+ 157	4477	4896	— 419
145	114	«Оққўрғон» совхози	Оққўрғон	1956	2145	— 189	9934	10620	— 686
146	145	К. Маркс номли колхоз	Бўстонлиқ	1948	1959	— 11	3390	3212	+ 178
147	159	«Ленинград» колхози	Бўстонлиқ	1940	1824	+ 116	3142	3229	— 87
148	115	Охунбобоев номли колхоз	Чиноз	1937	2144	— 207	4920	5125	— 205
149	149	Ленин номли колхоз	Пискент	1918	1901	+ 17	3089	3041	+ 48
150	168	«Қизил Октябрь» колхози	Чиноз	1897	1769	+ 128	3491	3219	+ 272
151	173	Энгельс номли колхоз	Коммунистик	1896	1685	+ 211	4324	4206	+ 118
152	147	Серго номли совхоз	Оҳангарон	1875	1923	— 48	5215	5000	+ 215
153	161	С. Сегизбоев номли совхоз	Оққўрғон	1854	1811	+ 43	8250	7445	+ 805
154	100	Мовлонов номли совхоз	Бекобод	1851	2295	— 444	5050	4840	+ 210
155	157	«Бўстонлиқ» совхози	Бўстонлиқ	1837	1836	+ 1	6961	6960	+ 1
156	171	С. Раҳимов номли колхоз	Чиноз	1833	1735	+ 98	2805	2863	— 58
157	155	«Хўжакент» совхози	Бўстонлиқ	1803	1851	— 48	10206	10293	— 87
158	164	«Гулистон» колхози	Коммунистик	1795	1782	+ 13	5098	4920	+ 178
159	166	«Коммунизм» колхози	Бекобод	1795	1779	+ 16	1310	2490	—1180
160	—	«Дўрмон» совхози	Оржоникидзе	1773	1537	+ 236	1400	1500	— 100
161	163	«Победа» колхози	Бекобод	1772	1806	— 34	4460	4460	—
162	158	«Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхози	Чиноз	1748	1836	— 88	3602	3562	+ 40
163	174	«Ленинград» совхози	Бекобод	1585	1623	— 38	3090	3440	— 350
164	175	«Ғозғистон ССР 30 йиллиги» колхози	Бўстонлиқ	1501	1531	— 30	3423	3690	— 267

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ЖАҲОН ГАЗЕТАЛАРИ САҲИФАЛАРИДА

Матбуот КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Яман Социалистик партиясининг биринчи съезди ўз ишини муваффақиятли тугаллаганлиги муносабати билан шу партия Марказий Комитетининг Бош секретари Абдулфаттох Исмонлийга табрикнома йўллаганлигини хабар қилади.

Яқин Шарқ мамлакатларининг матбуоти СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косыгининг Иордания хошимийлар қироллигининг Валиахд Шаҳзодаси Ҳасан Бин Талал билан Кремлда ўтказган суҳбатини шарҳлайди. Суҳбат вақтида Исроилнинг араб давлатларига қарши тўхтовсиз давом этаётган агрессияси, Исроил ва унинг ортида турган кучларнинг Яқин Шарқ мозаросини адолатли тарзда ҳар жиҳатдан бартараф этилишига эришишни барбод этиш, уни араб халқларининг миллий манфаатларига зид бўлган қисми сепарат битимлар билан алмаштириш йўлидаги уринишлари Яқин Шарқдаги доимий кескинликнинг сабабидир, деб кўрсатиб ўтилганлиги таъкидланди.

Чет эл газеталарининг ҳаммаси Багиода ўтказилган жаҳон шахмат чемпионатида Анатолий Карпов галаба қозонганлиги тўғрисида хабар қиладилар. Бу газеталарнинг кўпчилиги чемпионнинг муваффақияти совет шахмат мактабининг катта-катта ютуқлари ва шонли анъаналари билан чамбарчас боғлиқдир, деб таъкидлайди.

«Нойес дойчланд» (ГДР) газетаси «СССР: барча республикалар юксак суръатлар билан ривожланмоқда» деган сарлавҳа остида эълон қилган мақолада КПСС ва Совет давлатининг ленинча миллий сиёсати турмушнинг барча соҳаларида СССР халқларининг тараққий этиши учун гаров бўлиб хизмат қилади, дейилади.

Чехословакияда чиқадиган **«Руде право»** газетаси Прагада очилган «Совет фани ва техникасининг радиоэлектроника соҳасидаги ютуқлари» выставкасига катта эътибор берди. Выставка экспонатлари, деб ёзади газета, радиоэлектроника воситаларини яратиш ва уларни кенг кўламда қўллаш соҳасида СССРда жуда катта тажриба тўпланганлигидан яққол далолат беради.

Монголиянинг **«Унэн»** ва ва **«Худулмур»** газеталари Монголия Халқ Республикасида ўтказилаётган Монголия—Совет дўстлиги ойлигининг тадбирлари тўғрисида ёзади.

АҚШ президенти Ж. Картернинг нейтрон қуролининг асосий компонентларини «ишлаб чиқара бошлаш» тўғрисидаги фармойишини Франциянинг **«Юманите»** газетаси «ядровий қуролланишни кучайтириш йўлидаги янги қадам», деб атади. Англияда чиқадиган **«Файнэншл таймс»** газетаси ҳам худди шундай фикрни билдириб, президентнинг қарори АҚШни янги қуролни амалда қўплаб ишлаб чиқаришга яқинлаштиради, деб уқтиради.

(ТАСС).

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● ВАРШАВА. Шаҳар ёнидаги Яблонн деган жойда журналистларнинг халқаро учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашган 26 мамлакатнинг, шу жумладан Совет Иттифоқининг вакиллари қатнашдилар.

Конструктив, амалий вазиятда ўтган икки кун давомида учрашув иштирокчилари тинчликни, ҳавфсизликни мустаҳкамлаш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда оммавий ахборот воситаларининг роли тўғрисида фикрлашиб олдилар. Учрашувда журналистлар ўз давлатлари қайси ижтимоий-сиёсий системага мансуб эканлигидан қатъий назар, халқлар ўртасида тинчлик, яқинлашув ва ҳамжиҳатлик ғояларини тарқатиш ишига ўз ҳиссаларини қўшишлари кераклиги таъкидланди.

Учрашув иштирокчиларини ПХР Министрлар кенгашининг Раиси П. Ярошевич қабул қилди.

● ЛИМА. Перу Коммунистик партиясининг вакиллари коммунистлар тайёрлаган республика янги конституциясининг лойиҳасини таъсис ассамблеясининг конституция комиссиясига топширдилар. Лойиҳа мамлакатда туб ижтимоий-иқтисодий ислоҳатларни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришни, ишчилар ва хизматчиларга гарантияланган меҳнат, соғлиқни сақлаш таъминот, соғлиқни сақлаш ва билим олиш ҳуқуқи берилишини, ташқи сиёсат соҳасида мустақил антиимпериалистик йўл олиб борилишини назарда тутади.

(ТАСС).



СОФИЯДАГИ В. Коларов номли ўта аниқ техника заводи Совет Иттифоқининг техникавий ёрдамида қурилган пойтахтдаги йирик корхонадир. Завод маҳсулотининг қарийб учдан икки қисми СССРга экспорт қилинади.

БТА — ТАСС фотоси.

КЕРАЛА ШТАТИНИНГ ҚАРОРИ

ДЕҲЛИ. (ТАСС). Ҳиндистондаги Керала штатининг ҳукумати ўтакетган ўнг Рашт**рия** Сваямсевак Санх (РСС) ташкилоти «маданий маъракалар» деб аталмиш маъракалар ўтказмоғи учун биноларни ижарага бериб туришни таъқиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўз сафларида неча юз минг кишини бирлаштирган РСС Ҳиндистонни милитаризациялаш, уни Шарқда ашаддий реакция кўрғонига айлантириш шиорлари билан иш кўриб, кейинги ойларда мамлакатнинг демократик кучларига қарши қўпорувчилик фаолиятини кучайтириб юборди. Раштрия Сваямсевак Санҳ «маданий маъракалар» ниқоби остида ёшларга ҳарбий таълим бермоқда.

Унинг одамлари Ҳиндистон Компартияси ва бошқа прогрессив партия ҳамда ташкилотларнинг активларини ўлдирмоқдалар, намойишларнинг қатнашчиларига ҳуруж қилмоқдалар.

КУНЛИК ЎСИШДА ЮКСАЛИШ БЎЛСИН

Довон Тоғаев бошлиқ бригаданинг моҳир механизаторлари коллектив ютуғига катта ҳисса қўшмоқдалар. Суратларда: (чапдан) звено бошлиғи С. Жумабоев, участка бошлиғи Ю. Сарибоев, бригада аъзоси Т. Исроилов ва бригада бошлиғи Д. Тоғаевлар пахтазорда.

И. Тўлибоев фотолари.

ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА

ДОВОН АКА ДОВОН ОШДИ

ХУШХАБАРНИНГ қаноти бор, деб рост айтишади. Участка бошлиғи Юнус ака Сарибоев бригада шийпонида Довон акани тополмай афсуслангандай бўлди. Бирозгина нафас ростлаш учун шийпонга чиқиб ўтирган механизатор йигит унинг тоқатсизланаётганлигини сезиб, сўради:

— Юнус ака, тинчликми?

— Довонни излаб келгандим, — деди участка бошлиғи тўғридан-тўғри мақсадга кўчиб. — Сира бир ерда тинчиб ўтирмайди-да. Қаердан топсам экан уни? Сен билмайсанми?!

— Нимага керак бўлиб қолганларини айтсангиз, марҳамат, айтаман, — ҳазилга олди механизатор йигит.

— Эй, сенга тўғрисини айтаймиз, — деди кулиб Юнус ака. — Ўндан суюнчи олмоқчиман, билдингми? Суюнчи!

— Қанақа суюнчи, — хайрон бўлиб сўради механизатор йигит. — Янги «меҳмон» билан..:

— Эй ука, нима деб валдираяпсан. Қанақа меҳмон яна? Планини тўлдирди-ку, ахир, билмайсанми?

Участка бошлиғи Юнус ака севинчининг чиндан ҳам чеки йўқ эди. Чунки, Довон ака Тоғаев бошлиқ бригада участкада биринчи бўлиб маррага етди. Кекса саркор ундан «суюнчи» олиш учун эмас, бу ажойиб хушхабар қувончини бирга тотиш, уни илк зафар билан муборакбод этиш учун бу ерга шошилганди.

Довон аканинг қизиқ одати бор. Участка бошлиғи айтганча, жуда беҳаловат одам. Уни излаб далага чиқсангиз, кун қорайишига бориб ё кечки овқатга уйига келганда ё колхоз идорасида мажлис бўлган вақтдагина топасиз. Бошқа пайт пахтазор, ё шолипоядан бери келмайди. Доим одамлар орасида бўлишни, улар билан бирга қайноқ меҳнат терига тушишни севади, одамлар қувонч-ташвиши билан яшайди. Бундан у беҳад мароқланади.

...Қишлоққа олий маълумотли инженер бўлиб қайтган Довон ака ўз ишидан анчагача кўнгли тўлмай юрди. Ахир бағри кенг қирадирлар, ям-яшил далалар-у, поёни йўқ «оқ олтин» денгизи оғушидаги эркин меҳнат, шўх ялла соғинчи унинг жўшқин ва қайноқ қалбига ҳаловат бермасди. Ҳар он парвозга ташна орзу-умидлари уни доим далага, мардлар майдони — пахтазорга чорларди.

Кунларнинг бирида Довон аканинг қулоғига: «Қирдаги қолоқ бригадага янги бошлиқ сайлашармиш», — деган миш-миш гап чалиниб қолди. У худди ҳазина топиб олгандай шошилганча тўғри колхоз идорасига йўл олди. Ҳатто раис хонасига қандай қилиб кириб қолганини ҳам эслолмайди. Зуваласи пишиқ, миқти жуссасидан куч-ғайрат, шижоат ёғилиб турган Довон Тоғаев раисга ёқиб қолди.

Ўша воқеадан буён орадан уч йил вақт ўтди. Эндиликда Довон акани колхозда каттадан-кичик ҳамма танийди, ҳурмат-эъзоз кўрсатади. Кимсан «Довон полвон, бир сўзли йигит», — дейишади қишлоқда.

Ҳа, дастлабки йили унга ишонмаганлар кўп бўлди. Орқаворотдан «Деҳқончиликнинг мири-сриини билган, суяги меҳнатда қотган тажрибакор бригадирдан бош қўшишга журъат этмаган ишни эплаш унга йўл бўлсин!» деганлар ҳам бор эди. Лекин кўп ўтмай оғзига кучи етмаганларнинг сўзи оғзида қолди, ор-номус ғолиб келди. Ҳаракатда — баракат, деганларидек, Довон ака биринчи йилиёқ ўзини кўрсатди, мардона довон ошди, ўз ваъдасининг устидан чиқди. Янги ўзлаштирилган шўрхок, олдинги йиллари бор-йўғи 6—7 центнердан ҳосил етиштириб келинган ерлардан 19 центнердан ошириб хирмон уйди.

Ўтган юбилей йилида Довон Тоғаев бошлиқ 13-бригада азоматлари ажойиб ғалабани қўлга киритишди. Қайта планировка қилинган, яхоб суви берилиб шўри ювилган ва маҳаллий ўғитга 2—3 норма тўйинтирилган майдонларда мўл ҳосил етиштирилди. Бир йил ичида ҳосилдорликда дастлабки йилдагига нисбатан роса 5 центнерга ўзиб кетилди, яъни 1977 йили ҳар гектардан 24 центнердан хирмон кўтарилди. Бригада биринчи марта колхоз кўчма Қизил байроғини қўлга киритди.

Довон ака бригадага бу йил учинчи йил бошчилик қиляпти. Зарбдор йил бошида колхозда ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида у минбарга чиқиб, бригада номидан эл олдида: «34 центнердан хирмон кўтарамиз!» — деб ваъда берди. Бугун ана шу ваъда, фидокор марду-майдонлар берган эр йигит сўзи рўёбга чиқди. Бригада эл хирмонига 136 тоннадан зиёд дурдона тўкиб, хўжаликда биринчилар қатори пахта тайёрлаш йиллик планини бажарди, зафар қўчди.

Бироқ, бу сўнгги марра эмас. КПСС Марказий Комитети июль (1978 йил) Пленуми қарорларини оғишмай амалга ошираётган, Октябрнинг илҳомбахш Чақириқларидан руҳланган бригада миришкорлари янги юксак маррани кўзлаб меҳнат қилмоқдалар. Улар байрам шарафига она-Ватан хазинасига 150 тонна «оқ олтин» тортиқ этиш, гектар бошига ҳосилдорликни 36 центнерга етказиш ниятидалар.

Шу кунгача хирмонга 1200 тоннадан зиёд пахта тўкиб қўйган участка пахтакорлари ҳам социалистик мусобақада колхозда илғорлар сафида бормоқдалар. Кунда йиллик планнинг 3,5—4 процентн миқдорида пахта тайёрлаётган участка ғалаба рапортига имзо чекиш бўсагасида. Пахтазорларда йиғим-терим кундан-кун қизғин тус олмоқда. Ҳозир заркокил далаларда 13 «зангори кема» жавлон ураяпти. Довон Тоғаев, Қайназар Шерматов, Арпой Исоқов, Эрмакбой Расулов бошлиқ илғор бригадалар, ўз агрегатлари бункеридан бугунгача 125—140 тоннадан «оқ олтин» тўкиб қўйган Салим Жумабоев, Михаил Таранов, турсунойчи Холбуви Иўлдошева, Қаҳҳор Бойбўтаев сингари пешқадам механизаторлар хирмонга, айниқса, қут-барака киритмоқдалар.

Юнус ака Сарибоев бошлиқ 1-участка пахтакорлари бу йил 32 центнерлик маррани кўзлаб меҳнат қилишяпти. Чаноқларда ана шу юксак мажбуриятга яраша ҳосил бор.

Шижоатли меҳнатингизга унум, «оқ олтин» хирмонингизга барака тилаймиз, азиз пахтакорлар!

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ,
Бўка районидаги Мичурин номли колхоз.

БУРЧ ДАЪВАТИ

Айни масъулиятли дамларда хўжалигимиз деҳқонлари пахта ва шоли ҳосилини вақтида саранжомлаб олиш учун фидойилик кўрсатиб ишламоқдалар. Зарбдор йилда давлатга ҳар қачонгидан кўп — 5 минг тонна пахта ҳамда 840 тонна шолиқ топшириш мажбуриятини олганмиз. Бу техника ва ишчи қучидан тадбиркорлик билан фойдаланишни тақозо этади. Пахтакорларимизнинг тадбиркорлиги, ўз бурчига садоқати туфайли хўжалигимизда йиғим-терим ишлари уюшқоқлик билан бормоқда. 34 та «зангори кема» юқори унум билан ишламоқда. Заршуносларимиз суръатни бўшаштирмай кунига йиллик планнинг 3—4 проценти миқдорида пахта топшириб, район хўжаликлари орасида карвонбошилик қилишяпти. Ниятимиз бу йил 1180 гектар ернинг ҳар гектаридан 42 центнердан ҳосил йиғиштириб олишдир.

Йиғим-терим ишларининг уюшқоқлик билан боришида халқ депутатларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Улар яхшироқ, сифатлироқ ишлаб, шахсий ибратлари билан мусобақага қизғин тус бермоқдалар. Қишлоқ Советининг депутати Турғун Эргашевни ажойиб деҳқон деб аташади. Қачон қараманг, мўл ҳосил ишқида куйиб пишиб юрганини кўрасиз. Айниқса, пахтакор учун тоят оғир келган бу йилги шароитда у астойдил ишлаб, мўл ҳосил етиштиришга муносиб ҳисса қўшди. Ёдимда. Чигит энди униб чиқиб, ўзини қўя бошлаганида қаттиқ сел ёғиб, каттагина майдондаги ғўзаларни тупроққа қориштириб ташлади. Юмуш билан устахонага кетган Турғун ака қоро терга ботиб, бригадага етиб келди. Ҳаммамиз ҳомуш эдик. У вазиятни кўрди ва дарҳол ўзини қўлга олиб, кўпчиликка далда бера бошлади.

— Азизлар, — гап бошлади Турғун ака вазмин оҳангда. — Саккиз йилдан буён бирга ишлаб, курашиб сизларни ҳеч қачон бу аҳволда кўрмаган эдим. Ўзингиз ўйланг, бу каби қийинчиликларни озмунчасини кўрдикми. Ёдингиздами бурноғи йилги қийинчилик. Ўшанда «12-бригада бир мисқол ҳам пахта ололмайди» дея ваъзхонлик килганлар ор бўлдими. Сабот-матонат билан иш юритиб, мажбуриятни ҳам дўндирдик. Эл-юрт олдида юзимиз ёруғ бўлди. Бу йил ҳам худди шундай ишлаймиз.

Халқ депутатининг даъвати ҳар бир пахтакорнинг қалбидан чуқур жой олди. Ҳамжиҳатлик билан иш юритиб, далаларда мўл ҳосил етиштирилди. Мана, энди машақкатлар эвазига етиштирилган ҳосилимизни тез ва сифатли йиғиштириб олишда ҳам Турғун ака Эргашев каби механизаторларимиз алоҳида жонбозлик кўрсатмоқдалар. Турғун ака ўтган йили «пўлат этак»дан 260 тонна пахта тўккан эди. Бу йилги нияти 280 тонна. У А. Рисқулов, А. Абдумуҳидов, Қ. Қурбонов каби суворийлар билан мусобақалашиб ишлаб, кунига машинада 14 тоннагача пахта теришга эришмоқда.

Йиғим-теримда барчага намуна бўлаётган депутатлар ҳақида гап кетганда Турсунойчи механизатор, район советининг депутати Анифа Умарова номини алоҳида ҳурмат билан тилга оламиз. У биринчидар қаторида бу касбни пухта ўрганди. Ўтган йили агрегати бункеридан 120 тонна пахта тўкиб, механизаторлар ўртасидаги мусобақада фахрли ўринни эгаллади. Зарбдор йилда бу кўрсаткични 200 тоннага етказиш учун бутун куч билим ва маҳоратини ишга солмоқда. Унинг шу кунгача терган пахтаси 100 тоннадан ошиб кетди.

Анифани колхозчиларимиз «нажоткоримиз» дея аташади. Негаки, у иноказларни бажариш йўлида куч ғайратини аямаяпти. Колхозимиз территориясини ободонлаштириш, далада ишлаётган болали оналарга етарли шарт-шароит яратиб бериш борасида ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Кўп минг килограммчилар ўртасидаги мусобақада эса район советининг депутати Чиннигул Турмонова пешқадам. Бу ғайратли депутат кунига камида 120 килограммдан дур йиғиштиришга эришмоқда.

Ана шундай фидокор кишиларимизнинг самарали меҳнати туфайли терим суръати бир зум ҳам бўшашмаяпти. СССР Конституциясининг бир йиллиги нишонланган қутлуғ кунда 12—13 бригада пахтакорлари ҳар гектар ердан камида 45 центнердан хирмон кўтариш ташаббуси билан чиқдилар. Бу хайрли ҳаракат аксарият бригадалар томонидан қизғин қарши олинди. Пахтакорларимиз кам куч ва маблағ сарфлаб кўплаб сифатли маҳсулот олишга ҳаракат қилмоқдалар. Бунга асосан меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилади. Ўтган йили 1 центнер пахтанинг таннархи 37 сўмга тушган эди. Бу кўрсаткични зарбдор йилда сезиларли даражада арзонлаштирамиз. Бутун диққат-эътиборимизни КПСС Маркий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 61 йиллиги муносабати билан эълон қилинган Чақириғига жавобан техникага зўр беришга, социалистик мажбуриятни тўла ва оширо бажаришга қаратаверамиз.

М. АЛИМОВА,
Коммунистик районидаги «Ленинский путь» колхозининг механизатори.

САНОАТ КОРХОНАЛАРИДАН ХАБАРЛАР

Зарбдор йилда зарбдорчасига ишлаётган Янгийўлдаги область механика устахонаси коллективи катта зафар қучди. Азамат ишчи-хизматчилар беш йилликнинг учинчи йили топшириғини шараф билан бажардилар. Ўнинчи беш йиллик мобайнида корхона ишчи-хизматчилари пахта тозалаш заводларига 4 миллион 810 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар етказиб бердилар. Бу плондагидан 50 минг сўмлик ортиқдир.

* * *

Новомихайловка луб заводида ишлаб чиқариш пешқадамлари кўплаб топилади. 20 га яқин ишчи-хизматчи беш йиллик планни муддатидан илгари бажаришга аҳд қилган. Кунлик топшириқни 120—130 процент адо этаётган Шабинов, Лисаконова, Речкалова сингари илғорлар айни кунларда 1980 йил ҳисобига меҳнат қилишмоқда.

* * *

«Ўзбекистон» локомотив депоси коллективи иқтисод қилиш ва тежамкорликка алоҳида эътибор бермоқда. Биргина ўтган квартал мобайнида локомотивчилар 447,8 минг киловатт-соат электр қувват, 143 тонна ёнилғи тежаб қолдилар.

* * *

«Ташобламелиоводстрой»нинг 2-кўчма механизациялашган колоннаси экскаватор-машинисти Владимир Юдин колоннада биринчилар қатори беш йилликнинг уч йили шахсий топшириғини адо этди.

Владимир Юдин шу йилнинг ўзида 100 минг куб метр тупроқ ишларини бажарди.

З. ҲАЙДАРОВА,
Янгийўл райони.

ҒОЛИБ БРИГАДАНИНГ ЧЕВАР ТЕРИМЧИЛАРИ

НАВОИЙ номли колхоз пахтакорлари бу йилги мураккаб об-ҳаво шароитида тажрибакорлик билан иш юритиб, ҳамма далаларда мўл ҳосил етиштиришга эришдилар. Йиғим-теримни ҳам уюшқоқлик билан олиб бораётган хўжалик аъзолари Оққўрғон районида пешқадамлар сафида бормоқдалар. Айниқса, тажрибали пахтакор Юнус Пирназаров раҳбарлик қилаётган бригада заршуносларн йиғим-терим даврида ҳамма имкониятларни тўла ишга солиб, дастлабки довондан ошдилар. Улар 168 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 33 центнердан ҳосил йиғиштириб олиб, пахта тайёрлаш йиллик халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажаришди.

Ғалаба районн пахтакорларининг областимиз барча меҳнаткашларига мурожаатига амалий иш билан жавоб беришга аҳд қилган ғолиб бригада заршуносларн андиликда 40 центнерлик марраии эгаллаш учун курашни янада қизитиб юбордилар. Кўпминг килограммчи чевар теримчилар баҳси ҳам кенг қулоч ёзаётир. Фарида Муродова ва Шарофат Иброҳимовалар шу кунларда 100 килограммдан ошириб дурдона териб бригада хирмонига барака киритишяпти.

П. Эргашев фотоси.

ЙЎЛ ҚУРУВЧИЛАР ҚУВОНЧИ

«ЗАФАР» йўллар қурилиши ва ремонти бошқармаси коллективи ўнинчи беш йилликнинг уч йили планини шараф билан бажарди. Пудрат ишлари бўйича 1 миллион 852 минг ўрнига 1 миллион 853,9 минг сўмлик иш бажарилди. План 101 процентга адо этилди.

Бошқарма коллективи ўз кучи билан 1 миллион 576 минг ўрнига 1 миллион 703,5 минг сўмлик иш бажарди. Бу борадаги план 108,1 процентга етказиб бажарилди. Т. Холматов, М. Комилжонов бошлиқ бригадалар ғайрат кўрсатиб меҳнат қилдилар.

Бекобод райони.

ҒАЙРАТ ҚИЛ, ПАХТАКОР!

Сенга минг офарин, пахтакор ўртоқ!
Меҳнатинг кулибди лўппи чаноқда.
Дамлар ғаниматдир, териб ол тезроқ,
Ҳар бир грамм пахта эрур саноқда.
Баҳорда экилган ҳар сара чигит
Оташ юрак, меҳнат тафти-ла пишди.
Мардона ишлади ҳар қиз, ҳар йигит —
Далада чинакам ҳосил етишди.
Саратон кунларда роса тўкдинг тер,
Йиғиб ол ҳосилни, бўлмасин исроф.
Сенга қучоқ очар ҳосил берган ер,
Сенга қучоқ очар саҳий офтоб.
Топналаб «оқ олтин» ортдик карвонга,
Ваъдага етишга яқиндир фурсат!
Ўлкангни чулғаган шараф ва шонга —
Ваъдани бажариб, ўзингни кўрсат!
Суръатни жадалла, кутиб турмас вақт,
«Оқ олтин» шонингдир — танда жонингдир.
Тоғ-тоғ хирмонлардан бунёд айла бахт,
Зотан, зафар қучмоқ ор-виждонингдир!

Муҳиддин ЖАББОР.

ЧОРВАЧИЛИК ЮКСАЛИШДА

МЕВА ва узум етиштиришга ихтисослаштирилган Усмон Юсупов номли ишлаб чиқариш-аграр бирлашмаси Янгийўл районидаги йирик хўжаликлардан биридир. Бу ерда жамоат чорвачилигини юксалтиришга ҳам катта эътибор бериляпти. Бирлашма чорвадорлари учинчи беш йиллик бошидан бери эл дастурхонига 2100 тонна сут тортиқ қилдилар. Бу беш йилликнинг тўрт йили план топшириғига тенгдир. Ферма коллективи чорвачилик маҳсулотларн етиштириш ва давлатга топшириш беш йиллик планини тўрт йилда бажариш учун курашмоқда.

Хўжаликда қорамоллар бош сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Учинчи беш йиллик бошидан бери фермалардаги қорамоллар бош сони 177 тага, шу жумладан сигирлар сони 127 бошга кўпайтирилди. Бирлашмада ўтган йили ҳар бир сигирдандан 3202 килограммдан сут соғиб олинди. Беш йилликнинг икки йили ичида сигирлар маҳсулдорлиги 846 килограммга кўпайтирилди.

Бирлашмада КПСС XXV съезди қарорлари асосида чорвачиликни ихтисослаштириш тадбирлари амалга оширилянти. Барча соғин сигирлар, бўрдоқига боқилаётган қорамоллар ва бузоқлар алоҳида-алоҳида фермаларга тўпланган. Ихтисослаштириш чорва молларини парвариш қилишни комплекс механизациялаш, улуғмина зооветеринария хизмати кўрсатишни кескин яхшилаш имконини берди. Ўтган йили эса бирлашмада ихтисослаштиришни янада чуқурлаштириш мақсадида янги чорвачилик бўлими ташкил этилди.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленумида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев қилган докладида «Мамлакат экономикаси ривожининг бутун бориши, халқ турмуш даражасини муттасил ўсиб бориши ҳозир чорвачиликни янада тезроқ юксалтириш вазифасини биринчи планга қўймоқда», — деб таъкидлади.

— Бирлашмамиз чорвадорлари Пленум қарорларини ўзлари учун ҳаракат программаси деб қабул қилдилар, — дейди бирлашма чорвачилик бўлимининг бошқарувчиси У. Абдужабборов. — Улар 1980 йилга бориб гўшт ва сут етиштиришни икки баравар кўпайтиришга аҳд қилганлар. Ана шунда давлатга 1406 тонна сут ва 126 тонна гўшт топширилади.

Бунинг учун бирлашмада қорамоллар бош сони 1112 тага, шу жумладан сигирлар сони 500 бошга етказилади. Чорвадорлар ўнинчи беш йиллик охирига бориб ҳар бир сигирдан 3700 килограммдан сут соғиб олиш, гўштга топшириладиган қорамолларнинг тирик вазнини 450 килограммга етказишни режалаб қўйганлар. Шуниси диққатга сазоворки, бу, пайтга келиб етиштирилган сутнинг ҳаммаси давлатга биринчи сортларга топширилади.

Бирлашмада чорвачилик моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чоралари кўриляпти. Бу йил 200 бош бузоққа мўлжалланган бузоқхона қуриб битказилади. Келгуси йил эса 400 бош сигирга мўлжалланган сутчилик комплекси фойдаланишга топширилади. Натижада сут етиштириш тўла ихтисослаштирилиб, комплексдаги барча иш жараёнлари механизациялаштирилади.

Чорвадорлар озуқа базасини мустаҳкамлашга ҳам катта эътибор бераётирлар. Бирлашмада фойдаланилмай ётган ерларни ўзлаштириш ҳисобига 1980 йилга бориб 6дазорларни 450 гектарга етказиш белгиланди. Шунингдек, 160 гектар майдонда маккажўхори ва 25 гектар ерда хашаки давлари етиштирилади. Бу озуқа экинларининг ҳосилдорлиги оширилиб, чорва моллари учун мўл ем-хашак жамғариш таъминланади.

Бирлашмада ем-хашакдан тежаб тергаб, оқилона фойдаланиш учун қатъий қураш олиб борилянти. Яқинда сут-товар фермасида донадор ем тайёрлайдиган янги қурилмалар ўрнатилди. Улар ёрдамида йилига 400 тонна донадор ем, 300 тонна брикетланган озуқа ва 200 тонна витаминли ўт талқони тайёрлаш мумкин. Чорвадорлар моллари боқишда бирлашмага қарашли консерва ва вино заводларининг чиқитлари — мева ва узум турпидан ҳам самарали фойдаланмоқдалар.

Чорвадорлар бу йил зарбдорларча меҳнат қилаётирлар. Улар шу йилнинг тўққиз ойида давлатга ўтган йилга нисбатан 14 тонна кўп сут тортиқ қилдилар. Сигирлар маҳсулдорлигини оширишда илғор сут соғувчилардан М. Эрматова, М. Маматова, З. Имомова, Н. Мақсудова, А. Қўзиева ўртоқлар ҳамкасбларига ўрнак бўлаётирлар. Улар ҳозиргача ҳар бир сигирдан 3000 килограммдан сут соғиб олдилар. Улар сигирлар маҳсулдорлигини 4000 килограммга етказиш учун янада самарали меҳнат қилаётирлар.

Э. ЭРНАЗАРОВ.

УЗБЕК ВА ҲИНД КИНОҲАМКОРЛИГИ

«АЛИБОБО, МАРЖОНА ВА БОШҚАЛАР...»

«ЎЗБЕКФИЛЬМ» студиясининг ҳовлисига ўтганимиз заҳоти кўз ўнгимизда деворларни баланд, катта нақшиндор дарвозали қалъа намоён бўлди. Бу қалъа тўлиқ номи «Ўтинчи Алибобо, малика Маржона ва 40 қароқчи» деб аталган фильм учун рассом Эмануэл Калонтаров чизган эскизлар бўйича қурилган афсонавий Гулобод шаҳрининг ташқи кўриниши эди. Шаҳар майдонида бонг осғилиқ; ёнида панжара билан қуршалган қудуқ — шаҳарда сувсизлик бошланганда Гулобод аҳолисига шу қудуқдан сув сотишади; тўғрида отлар, қўйлар, туялар қантариғлиқ карвонсарой...

Биз пастқам кулбаларга аралашиб кетган косибчилик, ҳунармандчилик растлари ёнидан ўтиб, мураккаб съёмкалар учун қизғин тайёргарлик кетаётган объект — ғор қаршисига келдик. Атрофда актёрлар, реквизиторлар, гримчилар... Ҳамма ўз иши билан банд, съёмка кеч соат 7 да бошланади, қароқчилар бошлиғи Абу Ҳасан «Симсим, эшигингни оч» деганда ҳарсанг тошлар ҳаракатга келиб, тепадан тушаётган қизғиш тусдаги шар-шара тинади, ғор ўртасидаги аланга қароқчилар ичкарига киришларни билдиради. Бу эпизод тўғрисида режиссёр Умеш Меҳра шундай дейди:

— Ҳозир қилинадиган съёмкалар ўзбек ва ҳинд кинематографчилари ҳамкорликда яратаётган фильмнинг энг асосий кўринишини ташкил қилади. Чунки ғор эпизоди қолган барча воқеалар марказида туради, у картинанинг тематик йўналишини белгилаб беради.

— Айтмоқчи, бу эртакда сизнинг диққат эътиборингизни жалб қилган асосий нарса нима?

— Асрлар мобайнида одамий халқ ўзининг оғир турмуши, ғам-аламни шунинг билан барча орзу-тилаги, порлоқ келажакка бўлган ишончини эртакларда баён этиб келган. Алибобо эртаги ана шулар жумласидандир. Унда мардлик ва жасурлик, оқ кўнгиллилик ва олижаноблик каби инсоний фазилатлар мадҳ этилади. Алибобода ана шу фазилатлар мужассамлашган. Шунинг учун ҳам у севгилиси Маржонага етишади. Гулобод халқини қирқ қароқчидан халос этади, уларнинг муҳаббатига сазовор бўлади. Адолат тантана қиладн. Мени ҳаяжонга солган, ушбу фильмни яратишда илҳом бахш этаётган нарса ҳам ана шудир. Ўйлайманки, бу картина ўзбек ва ҳинд халқлари ўртасидаги маданий алоқаларни янада мустаҳкамланишига, эзгулик фақат эзгулик йўлида хизмат қилади.

Постановкачи-режиссёр Л. Файзиев ҳамкасбининг илиқ сўзларини маъқуллаб деди:

— Дарҳақиқат, оддий халқнинг бахт ва рўшнолик ҳақидаги асрий орзуси ифода этилган бу эртак дўстлик, ҳамжиҳатлик, бирдамликни улуғлайди. Картина лавҳалари Бухорода, Тожикистон тоғларида шунингдек, қадимий ҳинд шаҳри — Жайпурда ҳам суратга олинади. У ерда шу кунгача жуда кўп фильмлар, мафтункор ва муҳташам Маҳараж саройи сақланиб қолган.

Бош ролларни — Алибобо ва малика Маржонани машҳур ҳинд артистлари Дхармендра билан Хема Малина ижро этишади. Бу артистларни биз «Зита ва Гита» фильми орқали яхши танимиз. Фотима ролини замонавий актрисалардан бири, яқинда Радж Капурнинг «Муҳаббат ва гўзаллик» фильмида ўйнаган Зиннат Омон бажаради.

Картинада шунингдек, совет артистларидан Софико Чиарели [Алибобонинг онаси], Ролан Биков [қароқчилар бошлиғи ҳамда шаҳар ҳокими Абу Ҳасан], Мгер Мкртчян [Карвон боши Мустафо], ўзбек актёрларидан Зикир Муҳаммаджонов, Ҳамза Умаров, Ёқуб Аҳмедов, Санъат Девонов, Сонб Хўжаевлар иштирок этишади. Ҳамкорликда яратилаётган бу икки серияли, рангли, кенг экранли бадиий фильм Б. Сааков, П. Бакшн сценарийси асосида операторлар Л. Травнцкий ва Перейка Питер томонидан суратга олинмоқда.

Ш. ҲИДОЯТОВ.

СУРАТЛАРДА: таниқли ўзбек киноактёри Ҳамза Умаров ҳам фильмда иштирок этади; Алибобонинг онаси ролини истеъдодли грузин актрисаси Софико Чиарели ижро этмоқда; совет актёри Ролан Биков қароқчилар бошлиғи ва шаҳар ҳокими, ҳинд актёри Дхармендра эса Алибобо ролида чиқишади.

ЯНГИ КЎРГАЗМА ЗАЛИ

ЎЗБЕКИСТОН Халқ хўжалиги ютуқлари Выставкасида яна битта янги бино қад кўтарди. Янги кўргазмалар залининг сатҳи 2700 квадрат метрдан иборат.

Янги павильон қурилишида 2-қурилиш трестининг 37-кўчма механизациялашган кўчма колоннаси коллективи фидокорона меҳнат қилди. Улар бу муҳим объектни олти ойда қуриб битказдилар.

— Биз янги кўргазмалар зали лойиҳасини чизган «Ташгипрогор» лойиҳалаш институти ходимларидан ҳам, азамат қурувчилар меҳнатидан ҳам миннатдормиз, — дейди павильон директори В. Сайдошев. — барча ишлар тез ва сифатли амалга оширилди.

Шу кунларда пойтахтимизда макромолекуллар химияга бағишланган халқаро симпозиум ўтмоқда. Янги павильонда ана шу улкан анжуманга бағишланган «Полимер-78» кўргазмаси намойиш этилмоқда. Бу Бутуниттифоқ кўргазмасига жаҳондаги 170 мамлакатдан келган олимлар ташриф буюришган.

Суратда: лойиҳа авторлари — ака-ука Содиқовлар ирригаторларнинг техникавий ўқуви биноси (лойиҳа) макети хусусида фикр алмашишяпти.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

ИРРИГАТОРЛАР УЧУН ЎҚУВ КОРПУСИ

ФАРҒОНАДА ҲАРБИЙ-АМАЛИЙ КЎПКУРАШ БЎЙИЧА СССР ЧЕМПИОНАТИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ.

МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

Мутахассис ва тренерларимиз чирчиқлик Сергей Серебряковдан бронза медалидан ортиғини умид қилишмаган эди. Лекин чемпионат мусобақаларида бу спорт мастери бундан ҳам юқори кўрсаткичга эришишига ҳарбийлаштирилган кросс старти олдидан милтиғини текшириб кўрмаганлиги сабаб бўлди. Бу унга қимматга тушди: камида 45 секунд йўқотди. Агар шу ачинарли воқеа рўй бермаганда у ҳатто олтин медаль ҳам олиши мумкин эди.

Ҳарбий-амалий кўпкурашда учкураш энг мураккаб турлардан ҳисобланади. Шу пайтгача бирорта ҳам вакилимиз учкурашда чемпионат медалларини қўлга киритмаганди. Уч километрлик кросс, отиш ва граната улоқтириш, 100 метрга эркин усулда сузиш ва «Жигули» автомобилини фигурали бошқариш лозим бўлган мусобақада Сергей Серебряков ҳаммаси бўлиб 281 очко тўплади ва бронза медалини қўлга киритди. Биринчи ўринни эса саратовлик А. Боряев, иккинчи ўринни белоруссиялик А. Мусичук олди.

Пойтахт области вакилининг муваффақияти, шунингдек, андижонлик А. Мишустин ва наманганлик Н. Ключковнинг ёшлар ва ўсмирлар ўртасидаги оаҳсларда яхши қатнашганлиги Узбекистон учкурашчиларига команда ҳисобида ҳам бронза медалларини олиш имконини берди.

Узбекистон спортчилари ҳарбийлаштирилган кроссда яна бир бронза медалини олдилар. Улар олдинга фақат Белоруссия ва РСФСР командаларини ўтказиб юборишди.

Умумкоманда ҳисобида Узбекистон терма командаси биратўла тўрт қадам олдинга силжиб, кучли тўртликдан ўрин олди. Шундай қилиб, мамлакат чемпионатини ортда қолди. Ўзбекистон терма командаси энди СССР халқлари VII ёзги спартакиадасида қатнашади. Пойтахт областининг кучли спортчилари республикамиз спорт шарафини муносиб ҳимоя қиладилар, деб ишонамиз.

Э. СЕРГЕЕВ.

Мухтор ҲУДОИҚУЛОВ

МАСАЛЧАЛАР

АСОВ СОЙ

Шўх сой асовланиб оқарди. Ў бир куни қирғоқларга деди:

— Ҳоҳласам ҳаммаёғни остин-устун қилиб юбораману, аммо сизлар йўлимни тўсасизлар-да...

Қирғоқлар индамай, уни силаб-сийпалашди. Бир сафар баҳорнинг лойқа сувлари қўшилганидан телбаланган сой кучига сиғмасдан кўпириб кетдию, ҳайкирганича қирғоқлардан тошди. Аммс бу ҳол узоққа чўзилмади, унинг йўлига мустаҳкам темир-бетон тўғон тўсиб қўйилди. Тентаксой энди анча ювош: тур деган жойда тураман, юр деган томонга юраман...

ҲАККА

Ҳакка мақтаниб қолди:

— Мен сайрашда, ақлу-фаросатда қушлар ичра тенги йўқ — яккаман...

— Унчаликмас, — жавоб қилишди қушлар. — Бор-йўғинг чақимчи Ҳаккасан.

ДАФТАР БИЛАН КИТОБ

Тоқчадаги қалин китоб дафтарни менсимасдан гапириб қолди:

— Менга жаъмики ҳикматлар ёзиб қўйилган, сенга эса мендан бирор гапни кўчириб ёзишади...

— Гапинг умуман тўғри-ку-я, аммо шуни яхши билгинки, мен бўлмасам — сен ҳам бўлмасдинг, иним, — деди Дафтар.

ТИПРАТИКОН БИЛАН ТЎЛКИ

— Мунчаям сертиконсан, игналаринг билан бирам безорисан-ей, — деди Тўлки бир куни Типратиконга.

— Ана шунинг учун ҳам йўлингдан қолма, — деди Типратикон.

СИГАРЕТ ВА ИЛОН

— Салом қариндош, — деди бир куни Илон Сигаретни кўриб. — Аҳволлар қалай?

— Нега мен сенга қариндош бўлар эканман? — деди Сигарет тутун қайтариб.

— И-е, билмайсанми, ахир иккаламизнинг ҳам ишимиз заҳар солишку, — деди жилпанглаб Илон.

— Э, ҳа, — деди Сигарет ўйга чўмиб, — Шу сабабдан менинг бошимни ҳам ерга эзгилашар эканларда...

ЕНГОҚ БИЛАН ТАРВУЗ

— Мунча баландга чиқиб кетибсан, тушиб кетсанг нақ пачоқ-пачоқ бўласан-а, — деди Тарвуз дарахт тепасидаги Енгоққа.

— Эҳтиётини қилганимиз, — деб кулишди Енгоқлар.

ҚАВАТЛАР ВА ЗИНАПОЯЛАР

— Биз баландлардамиз,— дейишарди Қаватлар.

— Қаерда бўлманг, биз қувиб чиқамиз, — дейишарди Зинапоялар.

ОҲАНГРАБО БИЛАН ТОШ

— Қаерда темир-терсак кўрсанг ёнингга тортасан, бошқаларга қарамайсан. Ошна-оғайнигарчилик ҳам эви билан-да, — деб қолди Тош Оҳанграбога.

Оҳанграбо индаёлмай қолди.

МУХОВАРА

— Салом, — деди Назокат.

— Ишингни қил, — деди Жаҳолат.

ТИЛ ВА ТИШЛАР

— Бой, во-ей, мунча йўлимни тўсмасанглар-а, ўз ҳолимга қўясизларми, йўқми, ахир? — деб бобиллаб кетди Тил Тишларга.

— Ҳайриятмки, биз бормиз, бўлмаса ҳаддингдан ошиб нималар қилмасдинг,— дейишди Тишлар.

ҚУЛАЙЛИК

Пойтахтимиздаги янги бунёд этилган массивларда аҳолига қулайлик яратиш мақсадида кўплаб маданий-маиший объектлар, савдо шохобчалари фойдаланишга топшириляпти. Бешқайрагоч массивида ҳам ана шундай қулайликлардан аҳоли мамнун. Яқинда бу ерда «Химчистка» фабрикасининг янги 64-қабул пункти қуриб фойдаланишга топширилди.

Пункт ходимлари кийим қабул қилиш билан бирга буюртмачининг уйидаги мебель жиҳозлари, гилам ва полосларни тозалаб бериш ишларини ҳам яхши йўлга қўйишмоқда. Бундай қулайликдан барча мамнун.

А. ТОЛИПОВ.

ПАХТА йиғим-терими муносабати билан областимизнинг кўплаб йўлларида транспорт ҳаракати бирмунча активлашди. Ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда ГАИ ходимларига кўнгилли халқ дружиначилари яқиндан ёрдам беришмоқда. Суратда: Бўка район ички ишлар бўлими автомобиль инспекциясининг инспектори Тургунбой Қурбонов кўнгилли ёрдамчиларга навбатчилик олдидан инструкция бермоқда.

И. Тўлибоев фотоси.

Реклама ва эълонлар

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА
22, 24 ОКТЯБРЬ СОАТ 19.30 ДА

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Л. Н. ТОЛСТОЙ асари

САРВАР АЗИМОВ таржимаси

«ТИРИК МУРДА»

(3 пардали драма)

Саҳнага қўювчи режиссёр — Б. ИЎЛДОШЕВ.

Рассом — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, СССР Давлат мукофотининг лауреати Г. БРИМ.

Музика раҳбари — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Н. ГИНЗБУРГ.

Режиссёр ассистенти — М. АЗИМОВ.

РОЛЛАРДА: Узбекистон халқ артистлари, СССР Давлат мукофотининг лауреатлари: Т. АЗИЗОВ, Е. АҲМЕДОВ; Узбекистон ССР халқ артисти, Узбекистон ССР Ҳамза номидаги Давлат мукофотининг лауреати Я. АБДУЛЛАЕВА; Узбекистон ССР халқ артистлари: И. БОЛТАЕВА, Э. МАЛИКБОЕВА, М. ЮСУПОВ, Қ. ҲУЖАЕВ; Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Узбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати С. НОРБОЕВА; Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлари: Л. БАДАЛОВА, П. САИДҚОСИМОВ, Т. ТОЖИЕВ, Т. ЮСУПОВА; артистлар: Ҳ. НУРМАТОВ, Д. ИСМОИЛОВА, Т. КАРИМОВ, Г. ЗОКИРОВА, С. УМАРОВ ва бошқалар.

ТЕЛЕВИЗОР ЭГАЛАРИНИНГ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ «ЗАНГОРИ ЭКРАН» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Турар-жойлар бўйича район телеателъеларида рангли ва қора-оқ тасвирдаги телевизорларга абонемент хизмати кўрсатиш юзасидан

ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Абонемент хизматига мамлакатимиз саноатида ишлаб чиқарилган яроқли телевизордар қабул қилинади. Телевизорнинг ишлаб чиқарилган муддати ўн йилдан ошмаслиги, кинескопи ишлайдиган ҳолатда бўлиши лозимлигини унутманг.

Абонемент хизматига телевизорларни қабул қилиш ва шартномаларни расмийлаштириш телеателье вакиллари томонидан телевизор эгасининг уйида, унинг буюртмасига биноан амалга оширилади.

Абонемент қуйидаги имтиёзлар бўйича сизга кафолат беради:

— телевизорларни икки марта бепул профилактик кўрикдан ўтказиш;

— телевизорлар бузилиб қолганда биринчи навбатда бепул техника хизмати ва ремонти, шунингдек ишдан чиққан барча деталларни алмаштириш, шу жумладан кинескопни алмаштириш ишлари бажарилади:

— телевизор ателье устахонасига ва ундан кейин эгасининг уйига транспортда бепул етказиб берилади.

— абонемент хизматида бўлган телевизорларнинг эгалари буюртмаси биринчи навбатда бажарилади.

Қора-оқ тасвирдаги телевизорларнинг абонемент хизмати баҳоси 8 сўмдан 12 сўмгача. Экранининг катталигидан қатъий назар; рангли телевизорнинг бир йиллик абонемент хизмати баҳоси 66 сўм.

АБОНЕМЕНТ — ҚУЛАЙ ВА ФОИДАЛИДИР.

Абонемент — хизмат кўрсатишнинг замонавий формаси бўлиб, Сизнинг телевизорингизнинг бетўхтов ишлашига кафолатдир.

ТОШКЕНТ «ЗАНГОРИ ЭКРАН» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 9.55 — «Буратино кўргазмаси». 10.25 — «Ота-оналар, Сизлар учун». 10.55 — «Пўлат қандай тобланди?», Бадиий фильм, 4-серия. 12.00— «Тонгги почта». 12.30 — Ёш ихтирочилар конкурси. 13.20— Э, Москвитина чалади. 13.40— «Советлар ва ҳаёт». 14.10 — «Спортлото». 14.25 — «Здоровье». 15.10 — «Ҳаёлпарастлар». Бадиий фильм. 16.15 — Кинопрограмма. 17.00 — «1978 йил қўшиқлари». 17.30 — «Ҳайвонот оламида». 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Мультфильм. 19.00 — «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 19.45 — Концерт. 20.25 — «Пўлат қандай тобланди?». Бадиий фильм. 5-серия. 21.30 — «Вақт». 22.00 — Г. Свиридовнинг романслари ва қўшиқлари. 22.40 — Киноконцерт. 23.30 — «Олимпия умидлари». Ҳужжатли фильм. 23.50 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Концерт. 10.50 — Мультфильм. 11.00 — Ота-оналар учун консультация. 11.30 — «Илҳом». 12.35 — «Кинокўзгудаги ҳаёт». 13.20 — «Ёш гвардия». Бадиий фильм. 1-серия. 17.35 — Мультфильм. 17.45 — Ўсмирлар учун кўрсатув. 18.15 — «Ёшлик». 18.45 — «Ота-оналар университети». 19.15 — «Ахборот». 19.30 — Ҳужжатли фильм. 19.50 — Музикали программа. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — «Қўшиқларда қиз қалби». 21.30 — «Вақт». 22.00 — Концерт. 22.45 — Ойбек. «Қутлуғ қон». Телеатр. 6-қисм. 23.35 — Хоккей. «Динокор» — «Локомотив».

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.30 — Душанба кўрсатувлари.

ЯКШАНБА МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — «Зарядкага сафланинг». 9.55 — Фильм-концерт. 10.20 — «Ҳамма нарсани билишни истайман». 10.30 — «Будильник». 11.00 — «Совет Иттифоқига хизмат қиламан». 12.00 — «Сеҳргар Мария». Бадиий фильм. 1-серия. 13.15 — Концерт. 13.30 — «Қишлоқ янгиликлари». 14.30 — «Музикали киоск». 15.00 — Халқаро панорама. 15.30 — Цирк майдонида. 16.00 — Ҳужжатли фильм. 16.30 — Малика Собирова ва Музаффар Бурхонов рақсга тушадилар. 17.00 — Хоккей. «Динамо» (М) — ЦСКА. 19.15 — Ҳужжатли фильм. 19.35 — «Киносаёҳатчилар клуби». 20.35 — «Пўлат қандай тобланди». Бадиий фильм. 6-серия. 21.30 — «Вақт». 22.00 — «Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ». 23.30 — Баскетбол. «Спартак» (Москва области) — «Спартак» (Ленинград). 24.00 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Лирик концерт. 10.50 — «Шеърият мухлисларига». 11.10 — «Ота-оналар учун консультация». 11.45 — Ҳужжатли фильмлар. 12.00 — «Кувноқ стартлар». 13.00 — Кўча ҳаракати хавфсизлиги учун. 13.30 — «Ёш гвардия» бадиий фильм. 2-серия. 14.50 — «Шахмат мактаби». 15.20 — Реклама. 17.00 — Футбол. «Пахтакор» — «Динамо» (М). 18.50 — «Юлдузча». 19.15 — «Ахборот». 19.30 — Кинокўрсатув. 20.00 — «Шоир қалби дунёни тинглар». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Вақт». 22.00 — «Пахтазор — мардлар майдони». 22.20 — Ойбек. «Қутлуғ қон». Телетеатр. 7-қисм. 23.10— Ҳужжатли фильм.

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

16.30 — Фрунзе кўрсатувлари.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 21|X да Флория Тоска, 22|X да Доктор Айболит (кундузи), Дилором (кечқуруни).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 21|X да Фариблар, 22|X да Саҳро тор.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА —21, 22|X да Қизил дуррали нозик ниҳолим, 23|X да Тошкентнинг нозанин маликаси.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 21|X да Ишқ қурбонлари (12.00, 19.00), 22|X да Чандиқлар (12.00), Ҳаммомга бало борми? (19.00).

ҲАР ТЎҒРИДА

ПЛАСТИНКАДА СУКУНАТ

ЯПОНИЯДАГИ грампластинка ишлаб чиқарувчи фирмалар музика ўрнига... сукунат ёзилган дисклар чиқара бошлади. «Колумбия» фирмасида ишланган дисклардан бирида ҳар икки минутда гоҳ қўшлар чуғури, гоҳ шабаданинг енгил сеси, гоҳ олисда ҳурган итларнинг овози эшитилади. Бундай пластинкалар баландликда жойлашган ресторан ва кафеларда фойдаланиш учун мўлжалланган. Афтидан, рок-музика медасига текканларни бу янгилик қизиқтириб қолганга ўхшайди.

«Иомури» газетасининг хабарига қараганда, грампластинка магазинларида сукунат мухлислари бу янги пластинкаларни қидира бошлашган.

ЎЗ ҲАЁТИНИ ҚУРБОН ҚИЛИБ

ЯҚИНДА Ҳиндистоннинг Утар-Прадеш штатида ўз хўжайинининг 14 ёшли ўғлини фил ўлимдан сақлаб қолди. Ухлаб ётган болага яқинлашаётган кобрани кўрган Жумбо исмли фил ўйлаб ўтирмасдан уни оёғи билан эзғилаб ташлади. Лекин илон филни чақиб олишга улгурган эди. Боланинг отаси бу олийжанобликдан ғоят тўлқинланиб садоқатли ҳайвонни ҳурмат-эъзоз билан дафн этди.

ХЕРСТГА МОНАНД

«ШОВ-ШУВ»

АҚШ олди-қочди матбуотининг асосчиси, газета қироли миллионер Херст шундай бир назарияни олға сурган эди: у чиқараётган нашр учун ит одамни тишлаб олгани эмас, қизиқ воқеа, балки одам итни тишлагани ажойиб ҳодиса ҳисобланарди. Агар Херст шу кунгача ҳаёт бўлганида у роса қувонган бўларди... Яқинда Белгиянинг Бланкенберг шаҳарчасида магистрат итни тишлаб олган кишига жарима солди. Маълум бўлишича, ит ҳалиги кишининг севган кучуги билан олишиб қолган экан.

ОЗОДЛИКДА ЖАЗО

УТАЁТГАН МАҲБУСЛАР

ҒАРБДА жиноятчилик шундай суръатлар билан ўсмоқдаки, маъмурлар турма қуриб улгуриша олмаяпти. Франциянинг Саррагемин шаҳарчасида ҳукм қилинган жиноятчилар жазони... озодликда ўташмоқда. Чунки маҳаллий қамоқхона тўлиб-тошиб кетган. Маҳбуслар бўш камералар учун навбат кутиб туришибди. Айни маҳалда ўз «касблари» билан шуғулланишни ҳам давом эттиришяпти.

(АПН).

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334808, 32533; секретариат — 325750 БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 03697. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64584. Д—2507.